

## «Намозсиз бахт» излаган «янги» мусулмонлар

05:00 / 09.01.2017 5358

...Исломни «севган кишиси» туфайли қабул қилган қизлар ҳам анчагина. Баъзи экспертлар бундайларни янги динга кирганлар қаторида юзлаб, ҳатто минглаб рўйхатга киритиб қўядилар. Аммо бундай статистика ҳар доим ҳам ўринли бўлавермайди, чунки уларнинг ичида Исломни бўлажак куёвнинг ота-боболари бир пайтлар ўйлаб топган, эндиликда эса кўр-кўрона риоя қилиниб келаётган ҳар хил маъносиз расм-русумлардан иборат экан, деб тушунганлар ҳам бор...

Инсоният тараққий этмоқда. Инсонлар Исломга кириб келмоқда. Турли хил исломшунослар хулосаларини матбуотда чоп этиб, «неофитлик феномени»ни таҳлил қилишмоқда. Исломга янги кирганлар эса китоб ёзмоқдалар, интервьюлар бермоқдалар, жамоатларни ташкил қилмоқдалар. Интернет Ҳақиқатга ташналар ва уни топганлар билан тўлиб тошган.

Одамларни калимаи шаҳодатни айтишга ундаётган сабабларни қидирган олимлар ва оддий қизиқувчилар кўплаб кишиларнинг тақдирларини ўрганиб чиқдилар. Улар мавжуд тенденцияларни кузатиб, шундай хулосага келдилар: Исломни қабул қилишда ташқи (мусулмонлар билан муносабатда бўлиш орқали Ислом билан танишиш) ва ички (назарий билимлар орқали Ислом билан танишиш) омиллар роль ўйнамоқда.

Аммо инсон Исломни қабул қилгандан сўнг унда қандай ўзгаришлар бўляпти? Бу ҳақда фақат радикализм нуқтаи назаридан баҳо берилади – «янги намозхон»нинг диний жиҳатдан саводсизлиги ёки ақида масалаларида ортиқча тиришқоқлиги танқид қилинади. Бироқ иккинчи тоифа – Ислом эшигидан кириб, остонада туриб қолганлар ҳеч кимни қизиқтирмайди.

Айни пайтда, шундайлар борки, Исломни қабул қилгандан кейин уларнинг ҳаётида деярли ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган. Хўш, нима учун? Чунки уларни мусулмонларга «айлантирган» калимаи шаҳодат оддий сўзлар йиғиндисилигича қолиб кетган. «Янги иймон тўлқини» «дастлабки нуқтага» олиб келиши ҳам, Исломдан мутлақо бошқа томонга олиб кетиши ҳам мумкин.

## «... баҳона дийдор ғанимат»

Исломни «севган кишиси» туфайли қабул қилган қизлар ҳам анчагина. Баъзи экспертлар бундайларни янги динга кирганлар қаторида юзлаб, ҳатто минглаб рўйхатга киритиб қўядилар. Аммо бундай статистика ҳар доим ҳам ўринли бўлавермайди, чунки уларнинг ичида Исломни бўлажак куёвнинг ота-боболари бир пайтлар ўйлаб топган, эндиликда эса кўр-кўрона риоя қилиниб келаётган ҳар хил маъносиз расм-русумлардан иборат экан, деб тушунганлар ҳам бор.

Бундай келинлар оққўнгиллик билан «Бўлажак эримни бир хурсанд қилай» деб ўйлайдилар, бироқ бу ишни кўпинча куёв бўлмишнинг миллий урф-одатларига ёки анъаналаригагина қизиқиб қиладилар, холос. Уларнинг Исломни қабул қилиши куёвтўра билан масжидга экскурсияга бориб келиши билан якун топади («арабча (татарча, туркча ва ҳоказо) никоҳ шунақа бўлар экан»). Айтилган калимаи шаҳодат шу куниеқ ёддан кўтарилиб кетади.

Бу аёлларнинг ҳаётида уларнинг оилавий аҳволидан бошқа ҳеч қандай ўзгариш юз бермайди. Намоз ўқиш ёки ҳижоб кийиш ҳақидаги гаплар уларни ғоятда ҳайрон қолдиради, чунки эр – «ҳақиқий мусулмон» тимсоли – ўзи намоз ўқимайди, ҳижобни эса ўрта асрларда қолиб кетган хурофот деб ҳисоблайди. Агар бундай гапларни хотин бошласа, эр ҳар доим ҳам хурсанд бўлавермайди, чунки одатда у фақат ўзига қулай нарсаларнигина диний ҳақиқат деб тушунтиради.

Масалан, намоз ўқимайдиган мусулмонлар нима учун Исломнинг барча қонун-қоидаларига риоя қилишни бошлашга шошилмаса ҳам бўлаверишини рафиқаларига жуда осон тушунтирадилар. Улар калимаи шаҳодатнинг ўзи «жаннатга тушишга кифоя» дейдилар, қандай яшасанг ҳам, нима қилсанг ҳам, муҳими – сен мусулмонсан, деб уқтирадилар. Зеро, Аллоҳ Таоло Қуръони Каримда барча мўминлар жаннатда бўладилар, деб ваъда берган.

Шундай қилиб, улар бу дунёнинг лаззатларидан тотиб қолишни истаб, ўзларини ва хотинчаларини намоз ўқиш ва бошқа «зерикарли» урф-одатлардан «озод қиладилар». Ислом бу дунёдан ҳам лаззатланишни ман қилмаслиги ва ҳатто бунга тарғиб қилиши ҳақида жиддий назарияларни илгари сурадилар. Ибодат кейинроқ, қариганда, «Аллоҳ насиб қилган куни» қилинади...

Бундай «назария»лар асли ботил бир тушунчага – бизнинг намозларимиз Аллоҳ таолога керак, деган жоҳил дунёқарашга асосланади. Аслида эса, Аллоҳга ҳам, унга ибодат қилишга ҳам биз муҳтожмиз. Биз Исломни қабул қилган эканмиз, мавҳум бир концепцияни эмас, балки муайян мажбурият ва масъулиятни зиммамизга олганмиз, чунки ўз иймонимиз ва феъл-атворимизни сайқаллашга муҳтож бўлганмиз.

Ҳеч ким бизга Парвардигоримизнинг иродасидан бошқа ҳеч қандай кафолат бера олмайди, ва агар Аллоҳ таоло бизнинг мусулмон бўлишимизни ирода қилган бўлса, худди шу каби бизни бу неъматдан маҳрум қилиб қўйишга ҳам қодирдир. Мусулмонлар ичида «қандай амал қилсак ҳам, жаннатга тушишимиз ҳақида ваъда берилган» (мусулмон бўлганимизнинг ўзи кифоя) деган гапларни эшитганимиз ҳамон юқоридаги фикрларни эслатиб қўйишимиз керак.

### **«Менга ўргатиб қўйишсин»**

Янги иймон келтирганлар орасида исломий жамоатдан вақтинча ажралиб қолганлар ҳам бор. Уларнинг маълум қисми ҳар қанча қийинчиликларга қарамай, керакли билим ва кўникмаларни мустақил ўзлаштириб олишга уринса, баъзилари тўхтаб қолиб, «ўзгаришлар» юз беришини кутади.

Бироқ бу кутиш узоққа чўзилиб кетади. Ислом ҳақида олинган дастлабки маълумотлар ичида шундай бир нуқта борки, у «янги»ларнинг кўнглига чуқур ўрнашади. Бу – янгилар учун баъзи енгилликлар борлиги бўлиб, уни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчаб олади. Масалан, қизлар рўмол ўрашни «бунга тайёр бўлганларидан кейин» бошлашлари, намозни эса «тўлиқ ўрганиб бўлгандан кейин» ўқий бошлаш мумкин, деган хатарли «тушунчалар» учраб туради.

Демак, шошилмаса ҳам бўлар экан, деган хулоса келиб чиқади. Бундай шошилмасликка эса истаганча баҳона топилаверади. Бундай мусулмонлар Қуръон ўқишни «бўш вақти кўп бўлганлар» ўрганади, деб ҳисоблайдилар. «Мадрасага эса, - дейишади улар, - менга ўхшаб кеча-кундуз ишламайдиган, оила боқмайдиганлар боради. Масжидга эса намоз ўқишни тўлиқ биладиганлар боради, менга ўхшаганлар масжидга борса, ҳаммага масхара бўлади».

Агар бундай янги мусулмонларга намоз ўқишни китоблардан ёки интернет сайтлардан ўрганинг, десангиз, у ерда намоз қоидалари жуда мураккаб, тушунарсиз ёзилганлигини, ўқиб ҳеч нарса тушунишмаганини айтишади.

Намоз ҳақидаги брошюралар улар учун эмас, «анча ўрганиб қолганлар учун» ёзилган эмиш. Ҳа, хуллас, аудиокассеталарни кўриб бўлмайди, расмларни эса эшитиб бўлмайди.

Ниҳоят, тоқатингиз тоқ бўлиб, уқангиз ёки синглингизга намозни ўзингиз ўргатмоқчи бўлсангиз, уларнинг шошилиш ишлари, муҳим учрашувлари, кутилмаган сабаблари ва тасодифий шароитлари чиқиб қолаверади. Ҳар сафар намоз ўрганиш дарслари ҳақида гап кетса, бундай дарс салкам медитация ҳолатида ўтиши кераклигини, унга эса жиддий тайёргарлик кўриш кераклигини айтиб, «уриб енгишади».

Бироқ, янги мусулмонлар намоз ўқишни истамас экан-да, деган фикрга борманг. Уларнинг намоз ўқиш истагини кўрқув босиб туради. Уларнинг фикрича, намоз ўқишни бошлагач, энди орқага йўқ йўқ, энди ортиқча талабчанлик нафсни ғоятда оғир аҳволга солиб қўяди.

Уларнинг фикри тўғри – намоз ўқишни бошлагач, энди уни қолдириш мумкин эмас. Бироқ, улар ўзларининг мутлақо мантиқсиз йўл тутаётганларини ўйлаб ҳам кўрмайдилар – демак, намозни бутунлай ўқимасликдан кўра уни қолдириш оғирроқ гуноҳ экан-да!!! Уларнинг фикрича, намозхон кишининг иймони мукамал бўлади, уларнинг қалби эса ҳали Аллоҳ таолога юзланиш учун етарли даражада тоза эмас эмиш.

Бундай бир ёқлама фикрларнинг пайдо бўлишига бир неча сабаблар бор. Аввало, мусулмонлар ҳаддан ташқари идеаллаштириб юборилади, янги иймон келтирганларнинг дастлабки, ҳаяжонли таассуротлари бу жараёни янада кучайтиради. Шунингдек, биродарларимиз умматнинг фазилатларини тилларидан бол томиб тавсифласалар-да, муаммолар ва камчиликларни тилга олмайдилар. ироқ, олий ҳакам – вақт ўтиши билан, мусулмонлар объектив реалликни – воқеъликни қабул қилишга ўрганиб борадилар.

Бу ерда энг муҳими шуки, янги биродарларимиз ғараз ёки ғурур, кибрдан холи бўлган ҳақиқий, холис муносабатимизни сезишсин, қийинчиликлардан қўрқишмасин. Улар иймоннинг бир марта берилган ва мангуга қотиб қолган эътиқод унсури эмаслигини тушуниб етишсин, унинг кучайиб ва заифлашиб туришини билишсин, буни тан олмаслик – ҳаётни тушунмаслик, ўз нафсини ва ахлоқини сарҳисоб қилмасликдир.

### **Йўқолган таянч нуқтаси**

Кўпчилик янги иймон келтирганлар ўзларининг Исломга кириб келганликларидан обдон қувониб, тўйишгач, қандайдир вакуумга тушиб қоладилар. Энди ҳамма уларга аввалгидек ҳавас билан боқмайди, келажак ҳам аввалгидек беғубор ва ёруғ бўлиб кўринмайди. Биродарлар ҳам уларнинг назарида аввалгидек бекаму-кўст инсонлар эмасдек, ваҳоланки ўзлари «ҳамма нарсани тўғри адо этиб келмоқдалар».

Исломни қабул қилгач, ҳаётимиз мутлақо осуда, бахтиёр бўлиб қолади, деган умид ҳам биро сўнгандек. Турли муаммолар, қийинчиликлар пайдо бўлиб, негадир тўғри дуолар ўқиладиган, ҳалол колбасалар ейиладиган ва рўмоллар тўғри ўралган бўлса ҳам, улар ҳал бўлиб қолмаяпти. Янги мусулмоннинг ҳали куртак ёзиб улгурмаган новдаларига «этник» мусулмонлар томонидан ҳам, эски улфатлар томонидан ҳам тошлар отила бошлайди.

Бу даврни, бу босқични ҳар бир «янги» мусулмон ўзича босиб ўтади. Бу пайтда эски одатлар ва янги муҳитнинг таъсири жуда кучли бўлади. Айнан шу нуқтада ҳар бир мусулмон дўппини бошдан олиб қўйиб, фикр юритгиси келиб қолади. Унинг кейинги қадами қайси таянч нуқтасини танлашига боғлиқ бўлади.

Шу ерда Исломни қабул қилиш ҳеч қачон инсоннинг шахсий ҳатти-ҳаракатлари натижаси бўлмаслигини эслатиб ўтиш жоиз. Худди шунингдек, тўғри қарор қабул қилиш ҳам ақл-тафаккурнинг маҳсули бўлмай, балки Аллоҳ таолонинг иродаси ва тавфиқи туфайли содир бўлади. Бинобарин, мусулмон киши бир масалада иккиланиб қолса, шубҳага тушса, тўғри ечим топа олмай ўйланиб қолса, биринчи навбатда ўзининг Ҳолиқига мурожаат қилиши лозим.

Бироқ баъзи янги мусулмонлар бу қадамни катта қийинчиликлар эвазига босадилар. Ўқилмаган ҳар бир намоз мусулмоннинг виждонига оғир юк бўлиб тушаверади, бу юкни кўтариб юриш машаққати кундан-кунга кучайиб бораверади.

Намозни тавбадан кейинга кечиктирар экан (гўё бу тавба қачондир, ўз-ўзидан келиб қоладигандек), мусулмоннинг қалбидаги безовталиқ зўрайиб бораверади, энди у ўзини бироз бўлса-да чалғитиш учун ҳали ишга муккасидан кетса, ҳали иймонга путур етказувчи шайтоний хаёлларга кетиб қолаверади.

Анчагина билимга эга бўлиб қолган бундай мусулмонлар шахсан ўзининг мисолида намозни қазо қилишга ҳужжат қидиришга тушиб қолиши

мумкин. У энди Ислон уламоларининг китобларидан «хатолар», «ноаниқликлар» топади, ҳатто уларни тузатишга чиранади, хуллас ўзининг Робби олдидаги қарзларини оқлашга беҳуда уринаверади...

Ниҳоят, ўзини «бошқаларнинг саводсиз эканлигига» ишонтириш ва ўзининг «алоҳида мақсад сари» кетаётганлигига ишонч ҳосил қилиш учун ҳадеб баҳслашаверишга ўрганади. Бу «алоҳида мақсад» эса намоз ёки рўза каби «диндаги баъзи расмиятчиликлар»ни иккинчи ва ундан пастроқ даражага тушириб юборади... (Аллоҳ асрасин!) У қанчалик чуқурлашиб борган сари, намознинг «ҳеч қаёққа кетмаслиги»га ишончи комил бўлса ҳам, бу йўлдан қайтиш шунчалик мавҳумлашиб бораверади.

Ваҳоланки, Аллоҳ таоло унга ҳар куни, ҳар дақиқада унга тавба имкониятини, истиффор имкониятини, Ислонга амал қилиш имкониятини бериб турибди. Тўғри, у ўз динида қоим турган, намозларни адо этиб келаётган мусулмонларни кўриб қолганда қалбининг бир чеккасида ғариб юрган уятнинг қолдиқлари бош кўтариб қолади. Бироқ у ҳамон шайтоннинг йўриғида...

Аммо, эртами-кечми, бир кун келиб у икки йўлдан бирини танлашга мажбур бўлади. Умид қиламизки, у адашган йўлида давом этиб, залолат ботқоғига ғарқ бўлмай, гуноҳини англаб, тавба қилиши, афсус-надоматга тўла аччиқ кўз ёшлари билан жойнамозини ҳўл қилади, Роббининг раҳматига юз буради...

Умид қиламизки, у ўзининг ожизлигини, Аллоҳ таолонинг буюклигини тан олади, тақдирнинг барча синовларидан Роббининг раҳмати ила эсон-омон ўтиб, Аллоҳнинг Сомадлигига, ўзининг эса Унга муҳтожлигига иймон келтиради...

**Ойиша Галина Бабич**